

**САВОЛ:** Биламизки, Куръоннинг нозил бўлиши Алақ сурасидаги «Икроъ» – «Ўқи» ояти билан бошланган, тугаши эса Моида сурасининг 3-оятидир. Аммо Куръоннинг китоб шакли эса умуман бошқача тартибда саҳифаланган. Куръон нега нозил бўлиш тартиби билан йигилмаган? Китобдаги вариантда суралар ва оятлар қандай тартибда жойлаштирилган?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Куръони Карим 23 йил давомида тарқок ҳолда оят-оят бўлиб нозил бўлган. Аллоҳ таоло Ўз ҳикматига биноан керак вақтда, керак жойда керак оятни нозил қилган. Аммо Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир оятнинг жойи қайси сурада ва қайси оятдан кейин, қайсинисидан олдин эканини айтиб борганлар. Сураларнинг тартиби ҳам шундай. Ҳаммаси Аллоҳ таолодан. Бу борада сиз айтган «вариант» каби нарсаларга ўрин йўқ. Валлоҳу аълам.